

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ
ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛОМАТЛИГИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази

Тошкент – 2024

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 13 б.

Тузувчи: Ж. Досымбетов

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича услубий қўлланма ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича маданиятини шакллантириш, «аёллар дафтари» рўйхатига киритилган хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, «аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиш тартибига риоя этиш мақсадида ҳамда “маҳалла еттилиги” аъзолар ва кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилди. Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари	3
“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ	4
Тиббий ёрдам кўрсатиш заруратини аниқлаш.....	4
Имтиёзли тоифага кирмайдиган хотин-қизлар учун даволаниш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг қоплаб берилиши	5
“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун даволаниш билан боғлиқ бўлган харажатлар қоплаб берилиши	7
Ўзбекистон бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларга даволаниш учун бориш-келиш йўл харажатларининг қоплаб бериш	8
“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.....	10
«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатиш.....	10

КИРИШ

Сўнги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги жараёнлар жадаллашгани алоҳида кўзга ташланади. Бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар эса аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистонда “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар” доирасида устувор мақсадлардан бири сифатида “Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” белгиланган.

Ушбу мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширишида уларни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи дастурларни кенгайтириш талаб этилади.

2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкимлаш учун маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари ҳар бир маҳаллада ташкил этилди.

Марказларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида фитнес ва шейпинг ташкил этиш ва жинсий жавобгарликка тортилган хотин-қизларни ижтимоий мослашувига кўмаклашиш белгиланган.

“Маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган ушбу қўлланмада ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкимлаш бўйича маданиятини шакллантириш, “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиш тартиби содда тилда кўрсатиб ўтилган.

Қўлланма Сиз учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ХОТИН-ҚИЗЛАР
САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА
ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК
ҲУЖЖАТЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–87-сон Фармони



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–208-сон Фармони



3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 21 сентябрдаги “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–376-сон қарори;



4. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–401-сон қарори;



5. Ҳукуматнинг 2022 йил 8 ноябрдаги 650-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари тўғрисида”ги низом



6. Ҳукуматнинг 2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарори билан тасдиқланган “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низом




“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

Тиббий ёрдам кўрсатиш заруратини аниқлаш


1-босқич:

Сектор ишчи гуруҳи “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (*қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар*) фарзандларига тиббий ёрдам кўрсатиш заруратини ўрганади.



2-босқич:

Уларнинг саломатлиги ҳудудий бирламчи тиббий-санитария муассасасидан шифокор жалб қилинган ҳолда баҳоланади.




3-босқич:

Ўрганиш натижасига кўра тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати тиббиёт ходими томонидан аниқланганда, белгиланган тартибда тегишли бирламчи тиббий-санитария муассасасига йўналтирилади ва стационар ёки амбулатор даволаниш масаласи ҳал этилади.

Асос: “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 38-банди.

Имтиёзли тоифага кирмайдиган хотин-қизлар учун даволаниш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг қоплаб берилиши

Агар бирламчи тиббий-санитария муассасаси томонидан вилоят ёки республика даражасида даволаниши лозим деб топилса, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган фарзандларининг даволаниши билан боғлиқ бўлган **харажатлар:**



- **“Аёллар дафтари” жамғармаси;**
- **Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси** маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қоплаб берилади.



Дафтарга киритилган аёлнинг қарамоғидаги I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандининг ёшидан қатъи назар даволаниши билан боғлиқ бўлган харажатлар қоплаб берилади.

Бунинг учун секторлар раҳбарлари хулосаси керак бўлади.

Хотин-қизларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаниши учун талаблар:

✓ Тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кириши, шунингдек вилоят ёки республика даражасида даволаниши лозим деб топилган бўлиши зарур;

✓ “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандлари бу имтиёздан фойдалана олади;

✓ Улар белгиланган тартибда электрон навбатга қўйилади.



Ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белгиланган тартибда кўриқдан ўтиш учун тегишли тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларига юборилади.

Асос: “Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 38-банди.

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ДАВОЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҚОПЛАБ БЕРИЛИШИ

Даволаш, дори воситаларини олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун


“Аёллар дафтари” жамғармаси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан

ТИББИЙ МУОЛАЖА ХАРАЖАТЛАРИ

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг вояга етмаган (I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларига

Бунинг учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари керак бўлади.



Дори-дармон олиш учун “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тўлаб бериладиган ҳаражат миқдори

Дори-дармон олиб бериш учун

БҲМнинг
20 бараваригача

Мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун

БҲМнинг
100 бараваригача



ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШҚА ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН ТИББИЙ МУАССАСАЛАРГА ДАВОЛАНИШ УЧУН БОРИШ- КЕЛИШ ЙЎЛ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҚОПЛАБ БЕРИШ


Қуйидаги шахсларнинг бошқа ҳудудда жойлашган тиббий муассасаларга даволаниш учун **бориш-келиш йўл харажатлари** “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади:

- “Аёллар дафтари”га киритилган I ва II гуруҳ **ногиронлиги бўлган** эҳтиёжманд хотин-қизлар;

- “Аёллар дафтари”га киритилган **сурункали касалликларга** **чалинган** эҳтиёжманд хотин-қизлар;

- Уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан катъи назар) **фарзандлари**;

- Лозим бўлганда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга **ҳамроҳлик қилувчи**.




Бунинг учун секторлар раҳбарлари **хулосаси** керак бўлади.

Бориш-келиш йўл харажатларининг қоплаб бериш учун талаб этиладиган ҳужжатлар



Бошқа ҳудудга бориш-келиш харажатларини қоплаш учун талабгор **йўл харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларни** тегишли туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этади.

Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, йўлкирага ҳақ ҳар бир километрга **БХМнинг 0,08 фоизи** миқдорида тўланади.



Беморни махсус транспорт воситасида тиббий муассасага етказиш лозим бўлган тақдирда, йўл харажатларини тўлаб бериш учун туман (шаҳар) **тиббиёт бирлашмаси хулосаси** олинади.

Асос: “Аёллар дафтари”ни юритиши орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиши ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 39-банди.



“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ХУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга сайёр қабуллар орқали қуйидагилар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади:

прокуратура органлари – ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш, судга мурожаат қилиш тартибини тушунтириш, судга мурожаат қилиш учун керак бўладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш;

ички ишлар органлари – тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ушбу таҳдидлардан ҳимоя қилиш, такрорий зўравонлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида профилактик суҳбатдан ўтказиш ва зўравонлик содир этган шахсни тузатиш дастуридан ўтиш бўйича ваколатли органга юбориш, ҳимоя ордери талабларининг ижросини назорат қилиш ҳамда унинг талабларини бузиб зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ваколоти доирасида чора кўриш;

адлия органлари – ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.

***Асос:** “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 40-банди.*

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ.

Дафтарга киритилган хотин-қизларга “Аёллар маслаҳат кенгаши”, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, унинг ҳудудий ва туманлараро намунали марказлари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳузуридаги “Хотин-қизлар ҳуқуқий, психологик маслаҳатхонаси”, таълим муассасаларининг, малакали психологлари томонидан психологик маслаҳатлар бериб борилади.

